

## ■ Фамхўрлик

## Хитойдан зарур тиббий техника ва ҳимоя воситалари олиб келинди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан жорий йилнинг 28 март куни коронавирус инфекцияси кенг тарқалишини бартараф этиш мақсадида ушбу пандемияга қарши курашиш учун ажратилган маблағлар ҳисобига Хитойдан вирусни аниқлайдиган 200 мингта тест системаси, 50 мингта бир марталик бош кийимли ҳимоя комбинезони сотиб олинди.

Харбий юк самолётида келтирилган ушбу юкнинг умумий қиймати 27,8 миллиард сўм, оғирлиги 20 тоннани ташкил этади. Ушбу махсус рейсда Хитой Халқ Республикаси томонидан ажратилган 2,5 миллиард сўмлик турли тиббий воситалардан иборат инсонпарварлик юки ҳам келтирилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, коронавирусга қарши курашиш учун ажратилган маблағлар ҳисобига 31 март куни 16 миллиард, 3 апрелда эса 45 миллиард сўмлик тиббий техника ва ҳимоя воситалари сотиб олинishi ва мамлакатимизга келтирилиши белгиланган.

Хорижий тахрибани ўрганган ҳолда тиббиёт ходимлари учун алоҳида иккинчи даражали, яъни қизил зонага мўлжалланган махсус комбинезонларни харид қилишга ҳам эътибор қaratилган.

«Халқ сўзи».

## КАСОФАТ ЗАРРАСИ ВА ИНСОН ИРОДАСИ

Башарият оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Дунё харитасига назар ташлайлик, номи ўчғур иллат этиб бормаган давлат, мамлакат қолмади. Нима бўлди? Қаердан келди? Қаердан пайдо бўлди бу шохдор бало? Нима сабабдан бу қадар шиддат ила курраи заминни галвирдан ўтказишга киришди? Не-не ақлбoвар қилмас мўъжизаларга қодир замонавий тиббиёт наҳотки ожиз?

## ■ Депутат фикри

Бу каби саволларнинг бирортасига жавоб йўқ, жавоб!

Кунлар, ойлар, йиллар ўтади, аввало, мутахассислар, тиббиёт аллома-лари кўзга кўринмас бу зарранинг пайдо бўлиш манбаини ўрганадилар, “ғумбаги”дан бош кўтариб улгурмасидан уни қириб ташлаш чораларини кашф этадилар, бироқ бугун-чи, бугун? Ёшдир-кексадир, аёлдир-эркакдир ҳар бир инсон умри азиз бу ёруғ очун учун. Оиласи, халқи, Ватани учун!

Ўт балоси, сув балоси сингари турфа балолар учраб туради Ер юзининг турли пучмоқларида. Овруподаги айрим мамлакатларда қорамолга қирғин келди... Африканинг бир қатор мамлакатлари аҳолиси “Эбола” деган балога грифтор бўлди... Сулув табиат гўшаси бўлимиш Австралия ўрмонлари аланга огушида қуйиб қул-

га айланди... Биз томоша-бин бўлиб ўтирдик, “Худо кўрсатмасин”, “Юзини тескари қилсин”дан нарига ўтмадик. Чунки ўша балою офатларни ўзимиздан жуда-жуда йироқларда юз беряпти деган тасалли бор эди, ичимизда, руҳияти-мизда. Ваҳолонки, бармо-гингга зирапча қадалса, беҳиз-беҳикмат эмас. Ҳар бир воқеа — каттадир-кичкдир, яқиндир-йироқдир белги, ишора, огоҳлик кўнғироғидир. Хитойнинг Ухан шаҳрида умргузарон-лик қилаётган аҳоли ватан-дош бўлмаса-да, дунё халқлари учун, биз учун замондош ҳисобланади. Ҳа, бутун дунё замондош. Замондошларнинг қисмати бир бўлган замонда яша-ямиз. Замондош дегани, ҳеч ким ҳеч кимдан олис-да эмас, аксинча ҳамма бир-бирига яқин, жуда яқин деганидир.



## ■ Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдидан



Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқининг матонат ва жасоратини, эътиқод ва ишончини, инсонпарварлик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат фазилатларини яна бир қарра намоён этди. Халқимизнинг юксак фазилатларидан бири — уруш туфайли вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлардан эвакуация қилинган кишилар, жумладан,

ота-онасиз қолган минглаб болаларни ўз бағрига олди.

Қучириб келтирилган болалар ва катталарни қабул қилиш ҳамда жойлаштириш ишлари республика жамоатчилиги ҳаётининг уруш йилларидаги асосий фаолиятидан бирига айланди. 1941 йил 25 ноябрда ташкил этилган Марказий болалар эвакуация пункти

## «Биз, хорижликларнинг Ватанимизга қайтишимизни ташкил этгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирамиз»

Жорий йилнинг 26-27 март кунлари Республика махсус комиссиясининг қарори билан Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида Европага чар-тер рейслар ташкил қилинди.

Ушбу рейслар дунё бўйлаб коронавирус эпидемиясининг шиддат билан тарқалиши туфайли Ўзбекистонда ҳаво қатновининг тўхтатилиши вақтида амалга оширилиб, юзлаб европаликлар ўз юртларига қайтиш имконига эга бўлди.

## ■ Эътироф

“Дунё” АА муҳбири махсус рейс йўловчиларидан бири, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган Польшанинг “BUDMEX” курилиш компанияси директори Павел Числесткий билан суҳбатлашди.

— Чет эл фуқароларининг мамлакатларига ўз вақтида етиб боришлари таъминлангани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирамиз, — деди польшалик тадбиркор. — Махсус чартер рейсларнинг ташкил этилиши натижасида 500 дан ортиқ европалик инсонлар соғ-саломаат ўз уйларига, оилалари бағрига қайтидилар.

Ўзбекистон расмийлари-нинг хорижий фуқароларни ўз давлатларига қайтарили-ши ҳақида хабардор қилиш, ушбу жараёни ташкил этиш бўйича ҳаракатлари аниқ ва юқори даражада амалга оширилди.

Шу ўринда таъкидлашни истардим, биз, поляк, немис, француз ва умуман, Ўзбекистонда ўз бизнесини юритаётган Европа мамла-катлари фуқаролари давла-тингизнинг бизга кўрсатган ёрдами, ғамхўрлиги, эътибо-рини асло унутмаймиз.

Пандемия барча мамла-катлар соғлиқни сақлаш ти-змларига жиддий таъсир

кўрсатмоқда. Шунинг учун чегараларни ёпиш ва мум-кин бўлган барча чорани кўриш ҳаётий заруратдир. Биз ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистонда қай йўсинда изчиллик билан олиб бори-лаётганига гувоҳмиз.

Менимча, мамлакат раҳ-барияти бошқа давлатлар билан ҳаво ва темир йўл қат-новларини тўхтатиш, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлари-ни ёпиш бўйича тўғри қарор қабул қилди. Бундан ташка-ри, вирус тарқалишига қарши курашдаги энг муҳим қадам барча оммавий тад-бирлар, шу жумладан, спорт, маданий ва оилавий тадбир-ларнинг бекор қилиниши бўлди. Барча давлат идора-ларида ва нодавлат ташки-лотларида учрашувлар масо-фадан туриб ўтказилмоқда.

Аҳолининг аксарият қисми бундай карантин чоралари зарурлигини тушуниши жуда муҳим. Барча нарсадан қура одамлар саломатлиги муҳим-роқдир. Ўзбекистон улкан инсоний, иқтисодий, хом ашё ва энергия ресурслари-га эга мамлакат сифатида баъзи иқтисодий йўқотиш-ларининг ўрнини қисқа муд-

датларда тўлдир олишига ишонаман.

Хитой ва бошқа илғор мамлакатлар тахрибасига асосланиб, Ўзбекистон тез-кор, аниқ ва самарали чора-ларни ишлаб чиқди. Барча ҳудудлардаги тиббий муас-сасаларнинг зарур жиҳозлар билан таъминлангани мамла-катда касалликни аниқлаш бўйича тезкор чоралар қўришдаги яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг эпидемия-га қарши кураш борасидаги ягона ёндашувига аҳоли ўртасида вақтинча масофа-ни сақлаш тадбирлари ҳам киритилган. Бу хавфли касаллик тарқалишини тўх-татишнинг ягона усулидир.

Ўзбекистонда ишлаётган ёки вақтинча истиқомат қилаётган чет эл фуқарола-ри номидан, бизнинг хавф-сизлигимиз билан боғлиқ муаммолар ўз вақтида ҳал этилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдир-моқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига соғлиқ, тинч-лик тилаб қоламан.

«Дунё» АА.

Воршава.

## ■ Дил сўзи

## «Юксак эътиборда яшаш — бахт!»

Тинчлик — улугъ неъмат. Тинчлик маҳсули дунёда бир хил англан-лади: тараққиёт, фаровон ҳаёт, ёруғ келажақ. Шу маънода, тинчликни асраш ва қарор топтириш учун Ик-кинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган инсонларни қанча қадрласак, бу йўлда жон берган қаҳрамонлар хотирасига ҳурмат-эътиром кўрсатсак, шунча кам.

Президентимизнинг 2020 йил 30 мартдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ана шу унут-тилмас ҳақиқатнинг яна бир ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжатга кўра, фашизм устидан қозонилган буюқ Ғалабага катта ҳисса қўшган, бугун ҳам сафла-римизда туриб, Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни

маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбия-лашда муҳим ўрин тўтиб келаётган уруш қатнашчилари ва ногиронлари моддий-маънавий рағбатлантири-лиши юртдошларимизга чексиз қувонч, фахр-ифтихор бахш этди. Буни уларнинг қуйидаги фикр-муло-ҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

### ➡ 2-саҳифага қаранг

## «БУТУН ДУНЁ БУГУН УЙИДА!»

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари ушбу шиор остида мамлакатимиз ёшларига ибрат бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Илм — шахс тафаккурини ривожлантиради. Халқимиз тафаккурини бойитиш, уни Ватан равнақи гоёяси билан ривожлантириш, жамиятимиз, мамлакатимиз олдига қўйилган эзгу вазифадир.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ўтган йили 605 нафар иқтидорли ёш дунёнинг 20 дан ортиқ илғор давлатларида магистратура ва докторантурада ўқиш, стажировка ўташ ҳамда малака оширишга юборилди.

## ■ Таълим

Қайд этиш жоиз, бу кўрсаткич 2018 йилдаги на-тижага кўра 62 фоиз кўпдир (375 нафар). Эъти-борли жиҳати, хорижда таълим олган ва стажиров-ка ўтаган стипендиатлар-нинг энг катта қисми, яъни 20 фоиздан ортиғи соғлиқ-ни сақлаш соҳаси вакилла-ридир. Улар бугунги кунда

олий таълим тизими ва турли соғлиқни сақлаш му-ассасаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда жамғарма-нинг 65 нафар стипенди-ати Россия Федерацияси, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Италия, Латвия, Беларусь, Канада, Испания, Швейцария, АҚШ,

Франция, Япония, Финляндия ва Португалия давлат-ларидаги етакчи олий таъ-лим муассасалари, илмий марказлар ва ташкилотлар-да таълим олмақда ҳамда стажировка ўтамоқда. Шу-лардан 12 нафари тиббиёт соҳасида етук мутахассис-лар тайёрлайдиган илғор хорижий университетлар ва клиникаларда докторантура ҳамда магистратурада таъ-лим оляпти.

Бугунги кунда Ўзбекис-тонда коронавирус пан-демиясига қарши олиб бо-рилаётган кенг қамровли ишлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хорижий мамлакатларда коронавирус инфекцияси тарқала бошлаши билан

“Эл-юрт умиди” жамғар-маси томонидан унинг хориждаги стипендиатла-ри билан мулоқот ўр-натилиб, тегишли тушун-тириш ишлари олиб бо-рилмоқда. Хозирги кунда ёшлар билан доимий алоқа ўрнатиб туриш ҳамда зарур ҳолларда тезкор ёрдам кўрсатиш мақсадида жамғарма томонидан “Telegram” ижтимоий тармоғида мах-сус мулоқот гуруҳи очил-ган. Шунингдек, бугунги кун ҳолатига кўра, хориж-да таълим олаётган стипендиатлар орасида COVID-19 билан касал-ланганлар кузатилмади.



## ЕОИИ билан интеграциялашув жараёнлари — парламент эътиборида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар-нинг қамрови ва суръати мамлакат иқтисодиётини жаҳондаги интеграциялашган тизимлар билан самара-ли алоқалар ўрнатишни талаб этмоқда. Айниқса, қўшни ва географик жиҳатдан яқин мамлакатлар, шу-нингдек, савдо-иқтисодий муносабатларни ҳудудий уюшмалар шаклида самарали ривожлантираётган давлатлар билан узвий алоқаларни ўрнатиш маҳсулот-ларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, таннар-хини пасайтириш, иқтисодиётимизга янги технология-ларни олиб келиш, транспорт-транзит салоҳиятимиз-ни янада кенгайтириш, янги экспорт бозорларини топишимизда муҳим аҳамиятга эга.

## ■ Долзарб мавзу

Шу ўринда Президенти-миз 2020 йил 24 январда парламентга йўлаган Му-рожаатномасида Ўзбе-кистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи би-лан ҳамкорлиги масаласи-га жиддий эътибор бериб, ушбу интеграциялашув жараёни Олий Мажлис палаталари томонидан ҳар томонлама қўриб чи-қилиши, парламент халқ вакиллари сифатида халқ манфаатлари ва уларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда, хулоса чика-ришлари лозимлигини таъкидлаган эди.

Айни пайтда Олий

Мажлис Қонунчилик пала-тасининг қўмиталари ва партия фракциялари томо-нидан ЕОИИ билан ҳамкор-лик қилишга оид тахлилий ва баҳолаш ишлари бошлаб юборилди. Энг ав-вало, ушбу масала Қонун-чилик палатасининг Кенга-шида атрофлича муҳокама қилинди, ЕОИИ билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масаласини ўрганишни ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилди ва палата томонидан амалга ошири-ладиган тадбирлар режа-си аниқлаб олинди.



## ■ Сенатор минбари

## Аёллар ҳамда эркакларга тенг имконият ва шароитлар яратилади

Иш берувчиларнинг бу борадаги масъулиятини оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Баъзан гендер тенглик тушунчаси айрим одамлар томонидан нотўғри таъкин қилинаётганига гувоҳ бўламиз. Бунга аёлларнинг эркаклардан устун бўли-ши ёки ўз гапини ўтказиши, деб тушунадиганлар ҳам учраши эса кишини таажжубга солади. Ваҳолонки, гендер тенглик билим олиш, касб танлаш, лавозим-да кўтарилишда эркаклар билан аёлларга бирдек имкониятлар яратилишини англатади.

Тан олиш керак, узоқ йиллар давомида бу масалага комплекс ён-даша олмадик. Аслида бунинг барчасини оила-даги тарбияни тўғри таш-кил қилиш орқали ҳал этиш мумкин эди. Одам-ларда дахлдорлик ҳисси-ни ошириш, давлатга,

оиласига ва жамиятга нисбатан муносабатини ўзгартириш ҳамда масъу-лиятини қучайтириш эса ўзаро аҳиликни, ҳамжи-ҳатлиқни, давлатнинг халқ-чил сиёсати остида жипс-лашишини талаб қилади.



**КОРОНАВИРУС**  
бўйича маълумот:



**дунёда**  
**2020 йил 31 март ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — 817 753 нафар,**  
**касалликдан тузалганлар сони — 175 011 нафар,**  
**вафот этганлар сони — 39 884 нафар.**

**Ўзбекистонда**  
**2020 йил 31 март соат 23.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — 172 нафар,**  
**тузалганлар 8 нафар,**  
**вафот этганлар 2 нафар.**

## УЙДА ҚОЛИНГ!





# ЕОИИ билан интеграциялашув жараёнлари – парламент эътиборида

◀1

Мазкур масала парламент күйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг ҳам диққат марказида турибди. Кўмита аъзолари томонидан аини пайтда ЕОИИ билан интеграциялашувнинг ташқи савдо, боғжона-тариф тизимини тартибга солиш, бюджет, банк-молия соҳаси ва макротиқсодий барқарорлиқни таъминлаш механизмлариغا оид етакчи илмий-тадқиқот муассасаларининг изла-нишлари, хорижий ва маҳаллий му-тахассислар томонидан билдирил-ган тақлиф ва хулосалар батафсил ўрганиб чиқилляпти.

Бундан ташқари, ЕОИИ билан ҳамкорликнинг чуқурлашиш даража-сини ҳисобга олган ҳолда, иқтисо-диётнинг йирик тармоқлари, шу жумладан, ташқи рақобатдан нис-батан ҳимояланган саноат тармоқ-ларининг ўрта ва узоқ муддатда ри-

## Ҳамкорлик масаласида муҳокамалар бошланди

*Мамлакатимизда тараққиётнинг янги босқичида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашишга, айниқса, ҳудудий жиҳатдан яқин давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга боғлиқ.*

Бугунги глобаллашув жараёни-да юртимиз иқтисодиёти жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, халқа-ро бозор талаблари ва иқтисо-дий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлиши зарур. Шу нуқ-таи назардан Президентимизнинг жорий йил 2 мартдаги Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегиясини «Илм, маъ-рифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисо-дий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласини атрофлида ўрганиш вазифаси белгиланган бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик пала-

тасида ушбу масалада муҳокама-лар бошланиб кетди.

Жумладан, Вазирлар Маҳқама-си томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекис-тоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги бўйича таҳлилий ва комплекс ба-ҳолаш ишлари ақунлари тўғриси-даги ахборот ҳамда бошқа таҳли-лий материаллар тақдим этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилиниб, унда мамлакат иқтисодиёти рақо-батбардошлигини ва экспорт са-лоҳиятини ошириш давлат сиёса-тининг устувор йўналишларидаги бири эканлиги ҳамда ушбу мақ-садларга эришиш учун халқаро

Инвестициялар ва ташқи савдо ва-зирлиги мутасаддиларининг видео-конференцалоқа тарзида иштирок этишини таъминлаб, кўмита аъзо-лари ва партия фракцияларини қизиқтирган саволларга жавоб олишни режалаштирганмиз.

Кўмитамиз иш режасига кўра, депутатлар томонидан ЕОИИга аъзо бўлишнинг фойдали жиҳатлари, вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ва хавф-хатарлар ҳам алоҳида ўрганилиши белгилан-ган. Авваламбор, шуни ҳисобга оли-шимиз керакки, ЕОИИ биз учун катта бозор ва тадбиркорлиқни ри-вожлантириш учун кўшимча имко-сиятларни яратди. Тадбиркорлари-мизнинг маҳсулотларига ЕОИИ томонидан қўйиладиган техникавий, санитария, ветеринария, фитосани-тария стандартлари ва нормалари-ни қўлашда муайян эркинлик ҳамда енгилликларга эга бўлишимиз мумкин. Шу ўринда иқтисодий

ҳамкорликнинг ушбу жиҳатларини ҳам эътиборга олган ҳолда, юқори-да айтиб ўтилган соҳа вакиллари-нинг ҳам хулосаларини олиш режалаштирилган.

Масаланинг яна бир муҳим жи-ҳати шундаки, Ўзбекистоннинг мин-такавий тузилмалар билан интегра-циялашуви Евроосиё минтақасида-ги давлатлар билан икки томонла-ма эмас, балки институтлашган ҳолда, тегишли ҳуқуқий меъёрлар орқали алоқалар ўрнатишни талаб этади. Ҳамкорлиқни тартибга солиш механизмлари қанчалик тенг ҳуқуқлилик, очиклик ҳамда шаф-фофлиқни таъминласа, келиб чиқи-ши мумкин бўлган низолар ва муаммолар тез ҳамда адолатли ҳал қилинади.

Қайд этиш жоизки, ЕОИИ таъсис ҳужжатлари низомлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари Ҳукумат томо-нидан депутатларга тақдим этилди, уларни чуқур ўрганиб чиқиш муай-

иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайти-риш ва жаҳон бозорига интегра-циялашув жараёнини жадал-лаштириш зарурлигига аҳамият қаратилди. Шу билан бирга, Ўзбе-кистон Республикасининг Евро-осиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш маса-ласини ўрганишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи ҳам тузилди.

Ҳозир «Адолат» СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фрак-цияси аъзолари Вазирлар Маҳ-камаси томонидан тақдим этил-ган ана шу материалларни синч-ковлик билан ўрганмоқда. Шу мақсадда фракция депутатла-ридан иборат махсус ишчи гуруҳи ҳам ташкил қилинди ҳамда унга ЕОИИ билан ҳамкорликнинг мил-лий иқтисодиётга таъсирини чу-қур таҳлил қилиш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мил-лий иқтисодиёт ривожланиши-нинг устувор йўналишларида ЕОИИ билан ҳамкорликнинг мос-лигини ўрганиш, ҳамкорликнинг

ҳар бир иқтисодиёт тармоғига ижобий ёки салбий таъсирини батафсил ёритиб бериш, ЕОИИ билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳам-корлигига таъсирини ҳар томон-лама қўриб чиқиш каби вазифа-лар юклатилди.

Ишчи гуруҳ, шунингдек, Ўзбе-кистоннинг ЕОИИ билан ҳамко-рлигини йўлга қўйиш масаласи юзасидан фракциянинг барча аъзолари фикр ва тақлифларини умумлаштириш асосида фракция нуктаи назарини шакллантириш ҳамда ушбу масалада фракцияда ташкил этилган муҳокамаларнинг мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этишга ҳам масъулдир.

**Иномжон ҚУДРАТОВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатаси депутати,**  
**«Адолат» СДП фракцияси аъзоси.**

ян вақтни талаб этади. Шу туйғайли ҳам ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг ташқи божхона сиёсатини мувофиқ-лаштириш, аъзо давлатлар учинчи мамлакатлар ёки шундай иттифоқ-лар билан эркин битимлар тузиш, ЕОИИ умумий энергия бозори, уму-мий акциз маҳсулотлари бозори (ал-коголь ва тамаки), умумий аудитор-лик хизматлари бозори, умумий пул бирлиги бозори каби муҳим ҳужжат-лар ҳуқуқий жиҳатдан чуқур ўргани-ла бошланди.

Ушбу ўрганиш жараёнларида ЕОИИга интеграциялашувнинг дав-лат институтлари роли, самарадор-лиги ва иш сифатига таъсири, про-теktionистик тарифларнинг мамла-катимиз иқтисодиётига учинчи мам-лакатлардан замонавий техника ҳамда технологияларни олиб кириш-га тўсқинлик қилиши мумкинлиги, аъзо давлатлар ташқи савдо сиёса-тини дунёда юзага келган ҳолатдан чиқиб, мустақил, тез мувофиқлаш-тириш имкониятлари, аъзо мамла-катлар ўртасида юзага келадиган рақобатни бузиш ҳолатлари бўйича низоларни бартараф этиш қобили-яти, ЕОИИ судининг хусусий бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш имко-ниятлари каби яна бир қанча муҳим масалаларга ҳам эътибор қаратил-моқда.

Хулоса ўрнида айтганда, пар-ламент томонидан ушбу ўрганишлар Ўзбекистон ЕОИИга қандай шаклда аъзо бўлиб кириши мақсадга муво-фиқ эканини кўрсатиб беради. ЕОИИ билан ҳамкорликнинг маълум бир шаклини (тўлақонли аъзо, кузатуви мақомига эга бўлиш ёки ЕОИИ+1) танлаб, уни амалга ошириш муайян бир муддатни талаб этади. Шунги эътиборга олган ҳолда, аввало, Ўзбе-кистоннинг интеграциялашув тузил-маларига аъзо бўлиши мамлакат-миз иқтисодиётидаги барқарорлик, бозоримиздаги нарх-наво ва саноа-тимизга қандай таъсир қилишига оид тасаввурларни шакллантириб олиш жуда муҳим масала.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ин-теграциялашув жараёни ташқи сав-до ва инвестиция сиёсатимизда кат-та ўзгаришларга олиб келишини на-зарда тутган ҳолда, депутатларимиз ЕОИИ билан интеграциялашувнинг ижобий ва салбий томонларига етар-лича тўғри баҳо бера олади, деб ўйлайман. Маълумот учун айтмоқчи-манки, бу борада фракциялар ва кўмиталарда ушбу мавзуга оид баҳс-мунозаралар бошлаб юборилган. Бу эса Ўзбекистоннинг ташқи иқтисо-дий алоқаларида яқин келажақда танлаб оладиган ривожланиш век-торини тезроқ аниқлаб олиш имко-нини беради.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатасининг**  
**Бюджет ва иқтисодий ислохотлар**  
**кўмитаси раиси.**

барча имкониятни сафарбар этмоқда. Жумладан, мухтарам Президентимиз кўрсатаётган саяё-ҳаракатлар, чора-тадбирлар, чексиз диққати-эътибор, шубҳасиз, халқи-мизнинг руҳини кўтармоқда, фавқу-лодда энг берган огир синовдан эсон-омонликда ўтиб олишга кўмак-лашмоқда.

Устоз шоиримиз Эркин Воҳидов-нинг “Инсон” қасидасида шундай мисрларлар бор:

**Заррани ижод этиб,**  
**Дахшат бало бунёд этиб,**  
**Оқибатни ёд этиб**  
**Хайрон ўзинг, хайрон ўзинг.**

Замондошларимизни огир синов-ларга дучор этаётган зарра ҳам ҳад-дидан ошмас, инша Аллоҳ. Ишонай-лик, бу кунлар узоққа бормай ўтади, албатта. Ҳаёт давом этади, олдимизга қўйилган эзгу ниятлар йўлида соғлиқ-саломатликда, эмин-эркинликда яшаш, меҳнат қилиш, изланиш фақат ва фақат юксак инсонийлик мартабаси сари олиб боради.

Меҳри оламни қамраб олишга қодир Ҳаётучимиз биз, бандла-рини бундан-да огир синовлардан Ўзи асрасин!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатаси депутати,**  
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш»**  
**демократик партияси**  
**фракцияси аъзоси.**

## Халқ сўзи

2020 йил 1 апрель

# Аёллар ҳамда эркакларга тенг имконият ва шароитлар яратилади

**Иш берувчиларнинг бу борадаги масъулиятини оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.**

◀1

Гендер тенглик масалала-ри бўйича комиссия бу жараёнда ҳар томонлама кўмак беришга тайёр. Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалала-ри бўйича ҳолатлари бўйича низоларни бартараф этиш қобили-яти, ЕОИИ судининг хусусий бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш имко-ниятлари каби яна бир қанча муҳим масалаларга ҳам эътибор қаратил-моқда.

Шулар асосида ҳар бир меҳнат жамоасида гендер тенглик бўйича маслаҳат кенгашини тузиш ташаб-бусини ўртага ташладик. Аини пайтда давлат орган-ларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъ-минлаш масалалари бўйи-ча маслаҳат-кенгашларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини юритиш юза-сидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу ўринда савол туғи-лади, ҳўш, у қандай на-тижа беради?

Аввало, меҳнат жамоа-си раҳбарининг ижтимоий масалаларга масъул ўрин-босари ушбу кенгашни бошқаради. Унинг тарки-бига корхонанинг етти на-фаргача ходимлари аъзо қилинади. Кенгашнинг асосий вазифаси эса бар-ча бўлим, ҳудудий тузил-маларда аёллар ва эркак-лар учун тенг имконият-лар яратилишини таъмин-лашдан иборат. Ойлик иш ҳақини белгилаш, лаво-зидаг тавсия қилишда аёллар ва эркакларга тенг қараш, ҳар бир корхона-ташкилотда тайёрланади-ган захира қадрлар база-сига хотин-қизларнинг ҳам номзодларини киритиб, уларни хизмат вазифаси-да раҳбарлик лавозимла-рига тайёрлаш каби ма-салаларни тизимли таҳлил этиб боради, хулосалар беради. Шу билан бирга, жойларда хотин-қизлар учун яратилган шарт-ша-роитларни ҳам ўрганади.

Умуман олганда, давлат органларида маслаҳат-кенгашларини ташкил этишдан асосий мақсад ҳар бир меҳнат жамоаси-да хотин-қизлар ва эркак-лар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш, меҳ-натига муносиб ҳақ тўлаш, р а в а т л а н т и р и ш, шунингдек, бу борада олиб борилаётган ишлар-ни таҳлил қилиб, зарур тақлифларни ишлаб чиқилшдан иборат.

Яна бир муҳим жиҳат, иш берувчи корхона жа-моаси, айниқса, аёл хо-димларни тиббий қўрик-

дан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиши керак. Иш берувчилар бу борадаги қарашларини ўзгартириши, масъулиятни ҳис қилиши лозим. Чунки кўпинча аёлларимиз оила-даги юмушлар, фарзанд-лар тарбияси билан банд бўлиб, ўзига, саломатли-гига етарлича вақт ажрата олмаслиги ҳам айни ҳақиқат.

Шулар асосида кенгаш ва комиссиялар фаолияти-ни кучайтирсак, иш берув-чиларнинг аёллар ва эр-какларга тенг имкониятлар ҳамда шароитлар яратиш борасидаги масъулиятини оширсак кўзалган мақса-дикда дунё тажрибаси ўрганилмоқда.

Тузилманинг маслаҳат кенгаши тарзида ташкил этилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, бирор-бир ма-салада ёки юзага келган муаммони ҳал қилишда кўпчилик билан бамасла-ҳат иш қилиш, айниқса, кўпни қўрган, ёши улуг ин-сонлар маслаҳатларини олиш қон-қонимизга син-гил кетган. Энг муҳими, бундай тутум кўпинча ўзини оқлаган.

Айнан шу услуб кенгаш-ларнинг иш фаолиятида устуникли қилади. Ташкилот ёки идорада гендер тенг-лиқни таъминлаш билан боғлиқ бирор-бир масала-ни ҳал қилишми, иш фао-лиятига оид янгилликларни, тартибларни жорий этиш бўладими, кенгаш аъзола-ри буларни бамаслаҳат ҳал қилишади. Гендер тенгликка оид масалалар, кенгаш аъзолари эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар жуда кўп. Буни ишлаб чиқилган тавсия-ларда имкон қадар қамраб олишга ҳаракат қилганмиз. Аммо бу ҳужжат тугал тарз-да тайёрланди, дегани эмас. Иш жараёнида, ҳар бир ҳудуд ва ишлаб чиқа-риш тармоғининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, тақомиллаштириб борила-ди. Таҳлил, хулоса ва бил-дирилган тақлифлар мун-тазам равишда комиссия экспертлари томонидан ўрганиб борилади.

Айни пайтда шу юзаси-дан тегишли низоим ишлаб чиқилмоқда. Бунда энг на-мунали кенгашлар фаоли-яти рағбатлантирилиши ҳам назарда тутилган. Ишни ташкил эта олмаган жамоалар иши батафсил ўрганилади. Ҳудудларга борилганда маслаҳат кен-гашлари фаолияти қўриб чиқилади ва амалий кўмак бериб борилади. Мақсад уларни назорат қилиш эмас, аксинча, ҳамкорлик-да иш олиб бориш.

Умуман, ушбу тузилма орқали гендер тенглик янада мустаҳкамланади.

**Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Сенатининг Хотин-қизлар ва**  
**гендер тенглик**  
**масалалари кўмитаси**  
**раиси ўринбосари.**

## КАСОФАТ ЗАРРАСИ ВА ИНСОН ИРОДАСИ

◀1

Тождор вирус ушбу ҳақиқатни ЕР дея атагулчиног ЮРТда яшаб турган ЮРТДОШЛАРГА яна бир қарра эс-латиб қўйди.

Инсон табиятида ҳаммага маъ-лум бир одат бор. Қандайдир кўнгилсизлик содир бўлса, бошга кулфат тушса беиктиёр хаёлимиз-га кўндаланг саволлар қалашиб ке-лади: “Нима сабабдан бу балога йўлиқдим? Қандай номаъкул ама-лим эвазига бошимга бундай таш-виш тушди? Гуноҳим нимада?” деб беиктиёр ич-этимизни еб юрамиз. Ахир юриб боратуриб бехосдан қоқилсак, тўхтаб ортимизга ўғири-либ қараймиз-ку? Нимага қоқил-дим, нима сабабдан кўзим кўрмай қолди, дея ўзимизни саволга тут-миш-ку?! Аини кунларда одамлар ўзларини мана шу сингари қаттол саволларга тутаётган бўлсалар ажаб эмас.

Яшаётган асримизни улугловчи не-не таърифу тавсифлар йўлаб топмаймиз. Фаровонлик, маъмур-лик, тўқчилик асримиз кишилари-нинг бш мақсади, орзусига айлан-ган. Уларнинг барини бир сўз бил-ан “тараққиёт”, “манфаат” деб атаямиз. Тараққиёту манфаатга интилиш, унга олиб боровчи чора-тадбирлар қўриш табиий ҳол, унга тил теккизмаймиз. Афсуслар бўлсинки, биз бу икки сўзда умум-лаштириб тилга олаётган орзу-ҳавасининг замирида бир улкан ил-

лат мавжуд. Бу иллатнинг номи — кибру ҳаво, манмансираш, виқор! Одамзод ақл-заковатининг тиним-сиз юксалишидан қанчалар фахр-лансак, нима сабабдан ИНСОҲдек шундай муқаррам, донишманд зот нега ўзаро киргин-баротларга чек нега ўзаро киргин-баротларга чек кўёلمаяпти? Мазлумлар сони озаё-маяпти? Елғон, риё, фахш, зулм каби касофатлар барҳам топмаяп-ти?! Такрор таъкидлаймиз: ҳеч ким маъмурчиликка, фаровонликка қарши эмас. Шулар ортидан келиб чиқishi муқаррар бўлган айрим ил-латлар ҳақида бормоқда сўз.

Сайёрамиз осмонида изғиб юр-ган касофат зарраси асримиз одам-ларининг мана шундай ман-манли-ги оқибати эмасмикан?! Инсон зоти борки, мансаб-мартабаси, бой-лиги, куч-қудратидан қатъи назар — банда. Уни улугловчи бундан бу-юрок сўз йўқ. Ақлини киритиб қўядиган таъриф ҳам йўқ. Ахир бу ёруғ оламни бошқариб турган, сақлаб, бардавом этиб турган ило-хий уйғунлик бор, ўзгармас кону-ният бор, яратгувчи Аллоҳ таоло бор. Ҳар банда ўзининг феълидаги биргина фазилати билан ҳам маз-кур илохий уйғунлиқнинг сақланиш-ига хизмат қилиши мумкин. Унга пугут етказиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунга йўл қўймаслик учун эса ортимизга бир қарайлик. Борар манзилимизни чоғлаб қўрайлик. Ўзимизга ҳисобот берайлик. Бо-шинг кўкка етган тақдирда, осмон-га устун бўлган тақдирингда ҳам

вақти келса, кўз илгамас зарра ол-дига жонингни ҳовучлаб қолувчи бандасан-ку! Наҳот, шу қадар од-дий ва мутлақ ҳақиқатни унутгувчи бўлиб ўтсак дунёдан?!

Муқаддас Қуръони қаримнинг “Таквир” сурасида келадиган “Бас, сизлар қаён кетмоқдасизлар?!” де-ган оятни каримада барча маъно-мазмун мужассам.

Қаён кетаётганимизни биламиз-ми?.. Қаён кетаётганиклиларини би-ладиларми?.. Не мақсад-муродда яшаётганиклиларини, фанимат умр-нинг ҳар бир кунини, ҳар бир лаҳ-засини НИМАГА, НИМАЛАРга со-вураетганининг ҳисоботини бера оладиларми?..

Қисқача айтганда, ҳозиргидек огир ва мураккаб ҳолат ўзимизни, ўзлгитимизни янада чуқурроқ англ-лашга, янада аёвсизроқ ва кўнда-лик саволлар билан имтиҳон қилишга даъват этмоқда.

Офатнинг олдида ҳамма бир. Мутахассислар ва дунё тажрибаси ички нажоткор чорани маслаҳат бермоқда: ҳар ким оиласи даврасида яшасин ҳамда ҳар ким ўз ҳимояси ҳақида аввало ўзи қайғурсин!

Беҳаловат турмуш тарзи оила аъзоларининг жамулжам бўлишига монелик қўрсатаётган эди. Ҳар ким ҳар ёқда. Бир ой, бир ҳафтини қўйинг, бир кун эмин-эркин оила даврасида, туғишганлар бағрида гурунғ қуришдек гўзал удумлари-миз унутилаёзмоқда. Етти ёшдан

етмиш ёшгача одамнинг дарди-ка-дали бир хил: вақт етишмаслиги, фурсат танқислиги. Иш-юмушнинг эса охири кўринмайди. Ваҳолонки, бўлар экан-ку! Давлат раҳбаридан, миллиардердан, мана-ман деган сиёсатчидан тортиб оддий деҳқон-ишчи учун бирдан-бир жонсаклар паноҳ — оила давраси, оила кучоғи эканлигини англаганимизда — жон аччиғида ҳар қандай иш-юмушнинг бахридан ўтишининг иложи топилар экан-ку!

Оилавий гурунғлар, туғишган жи-гарларнинг ўзаро дийдорлашуви ҳам ҳаётга, ҳаётий қадриятларга, хою ҳавасларга ўзгачароқ қараш, ўзгачароқ муносабатда бўлиш учун имконият. Фанимат имконият.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Янада муҳими, шахсий озодалик шартла-рига қатъян рияз этиш.

“Миллий тикланиш” демократик партияси дастурида соғлом турмуш тарзига алоҳида аҳамият қаратил-ган. Соғлом турмуш тарзининг ўзак-ўзгаги эса шахсий гйгеннадан бошланишини шу кунги ҳолат кўрсатиб турибди. Бу ҳам мадания-ят. Ҳар қандай маданиятнинг ўзак-ўзгаги эса интизомдан, интизомга бўйсунуши иродасидан кувват ола-ди. Зеро, мутахассис шифокорлар тавсияларига оғишмай риоя қилиш, аввало, ҳар кимнинг ўз ҳаётини, қолаверса, ён-веримиздагиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш демакдир.

Ҳукумат, давлат раҳбари аҳоли ҳаётини сақлаб қолиш йўлида

нинг барча ҳудудини айланиб чиқдим, қанчадан-қанча қури-лишлар, оламшумул ўзгариш-ларни кўриб, қувондим. Юртимиздаги энг сўлим санаторийда саломатлигини тиклаб, дам олдим.

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган Фар-мон ҳам беҳад хурсанд қилди. Қувончдан кўзларим-га ёш олиб, ўтган ҳаётимни, суронли йилларни эсга ол-дим. Одамнинг заррача қадри бўлмаган қирғинбарот жанглар, олис юртларда қолиб кетган тенгқуларим кўз ўнгимда гавдаланди... Шундай кезларда тинчлик —

энг улуг неъмат эканлигини ҳис этасан, киши. Биноба-рин, шу кунларда дунёда тарқалган коронавирус деган балонинг ташвиши ҳам хо-тиржамлик ва осойишталик-дан юксакроқ бахт ҳамда ҳузур-ҳаловат йўқлигини яна бир бор кўрсатиб турибди. Албатта, бу ташвишларни ортда қолдирамиз. Бунинг учун биз, фуқаролардан маб-лаг ҳам, меҳнат ҳам талаб қилинаётгани йўқ. Шунчаки, ҳамжихат бўлсак, мутахас-сислар томонидан берилаёт-ган кўрсатмаларга қатъий риоя қилсак, сабр-қаноатли бўлсак, кифоя.

нат фахрийларининг кўнглини обод қилишга, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қара-тиялпти. Соғлиғимиз доимий назо-ратда. Куни кеча Президентимиз то-монидан қабул қилинган Фармон ҳам бизга бўлган эъзоз ва эътибор-нинг ёрқин намунасидир. Давлати-миз раҳбарининг бу эҳтиромидан кўнглимиз тоғдек юксалиб, кучимиз-га куч, ғайратимизга ғайрат қўшил-ди. Набираларимга мана шундай ну-рафшон кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зарурлигини бот-бот такрорлайман. Илоҳо, юр-тимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳ-нат қилаётганлар омон бўлсин!

**«Халқ сўзи».**

# «Юксак эътиборда яшаш — бахт!»

◀1

**Муталибжон АБДУСАЛОМОВ,**  
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (Анджон вилояти):**

— Кексаликнинг гашти бўлак-ча бўларкан. Айниқса, бугунги дориламон кунлар, Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис этиб яшаш биз, кексаларнинг қадрини улуг, қаддини баяндаб қилмоқда. Бир пайтлар уруш жанггоҳларида ёвга қарши курашар эканман, шу охириги жанг бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Яратган умр бериб, улуг ёшларда умргуза-ронлик қилиш насиб этди. Аммо ҳаёт доим ҳам байрамлардан иборат эмас. Афсуски, юрти-мизни ҳам четлаб ўтмаган коронавирус деган офат билан боғлиқ бугунги вазият ҳам халқимиз бошига тушган катта

бир синов. Ундан эсон-омон чиқиб олиш ҳар биримиздан масъулиятни талаб этади. Мана шундай вазиятда давлатимиз раҳбари меҳр-оқибатини яна бир бор намоён этиб, биз, уруш қатнашчиларини рағбатлантир-ганидан бошимиз осмонга етди. Бизни хурмат қилиб, бу ҳам ет-маганидек, 10 миллион сўм пул муқофотининг ажратилиши кел-та эътибор ифодаси, деб била-ман. Гап пулда эмас, эътибор-да, эъзозда! Юртимиз катталар-и ўзларининг мана шундай эл-парварлиги билан кўнглимизни тоғдек қўтариб турган бир пайт-да биз, нурунийлар ҳам эртаю кеч



Кулайлик

Карантин муддати тугаган юртдошларимиз ўз манзилларига етказиб қўйилмоқда

Аввал хабар қилинганидек, янги турдаги коронавирус инфекцияси — COVID-19нинг мамлакатимизга кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш мақсадида хориждан олиб келинган бир гуруҳ ватандошларимиз карантинга жойлаштирилган эди.

Жумладан, Эрон Ислмо Республикасидан олиб келинган 37 киши, Латвиядан қайтган 175 киши Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги юкумли касалликлар шифохонаси ҳамда “Косонсой” сиҳатгоҳида карантин кузатувига олинган эди. Уларнинг карантин муддати ниҳоясига етди. 14 кун мобайнида шифокорлар ку-

затувида бўлган 212 нафар юртдошимиздан 187 нафари республика-мизнинг турли худудларида исти-қомат қилади. Шу инобатга олиниб, улар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Наманган — Тошкент — Урганч йўналишида махсус йўловчи поездда ўз яшаш манзилларига етказиб қўйилади.



Тўлиқ дезинфекцияланган вагон-лардан иборат поезд, ҳаракат жадвалига кўра, 1 апрель куни соат 02:57 да Урганч вокзалига кириб боради.

«Халқ сўзи».

«Эзгулик элчилари»

Юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, худудларда санитар-эпи-демологик осойишталикни таъминлаш борасида олиб борилаётган тезкор чора-тадбирларга, оз бўлса-да, ҳисса қўшиш мақсади-да хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Фарғона вилояти худудий бирлашмаси ва унинг қўйи тузилмалари ташаббус кўрсатишди. Вилоят худудий бирлашмаси тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар ўз ихтиёрларига кўра бир кунлик иш ҳақларини “Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондида ўтказиб бердилар.

— Бугун ҳеч ким бу каби хайрли тадбирлардан четда тургани йўқ. Шу кунга қадар ҳам коронавирус касаллиги тарқалишининг олдини олиш бўйича тизимнинг ташкилот-лари томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди, — дейди худудий бирлашма раиси Ахроржон Раҳмоналиев. — Худудий бирлаш-ма томонидан Фарғона шаҳар аҳолисига тиббий ниқоблар тар-қатилди, Қувасой шаҳри, Тошлоқ, Қўштепа ва Учкўприк туманларида ушбу акция давом эттирилди, шу-нингдек, Қўқон шаҳри ва Олтиариқ туманларида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оиалар-га моддий ёрдам кўрсатилди.

Этиборли жиҳати, Фарғона вило-яти Мактабчага таълим бошқармаси

таркибидаги 834 та муассасанинг 28 мингдан зиёд ходимлари ҳам ушбу савобли ва эзгу ташаббусга қўшилиб, уларнинг бир кунлик иш ҳақлари “Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондида ўтказилди.

Анджон машинасозлик инсти-тутининг бир гуруҳ талаба қизлари хайрли ишга қўл урдилар. Улар институтнинг 1-талабалар тураржойида ташкил этилган чеварчилик тўрагагидаги тикув маши-наларидан фойдаланган ҳолда тиббиёт ниқоблари тикишга кириш-дилар.

— Талаб даражасидаги тиббий ҳимоя воситасига эга бўлган бу мас-канда қизлар уч кун муддат ичида минг дона тиббий ниқоб тайёрлаб, уларни аҳолига бепул тарқатишди, — дейди ўқув муассасаси матбуот хиз-мати раҳбари Хайрулло Васиев.

Мурувватнинг катта-кичиги бўлимади. Талаба қизларнинг хайри-ишидан андижонликлар миннатдор.

Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳардаги кам таъминланган хонадонларга тад-

биркорлар кўмагида озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ниқоб ва шахсий гигиена воситалари бепул тарқатилди.

Каттакўрғон шаҳар ҳокими Г. Алимова Ермачит, Оқолтин, Навба-ҳор маҳаллаларида бўлиб, аҳоли ҳолидан хабар олди.

— Каттакўрғон шаҳрида коронави-рус пандемияси сабаб карантин эълон қилинган, озиқ-овқат маҳ-сулотлари нархида сунъий ўзгариш пайдо бўлди. Шундай кунларда ҳам-шаҳарларимизга, оз бўлса-да, кўмак бериш мақсадида меҳр-мурувват акциясини бошладик, — дейди “Самкат Оазис дурдонаси” МЧЖ раҳбари Э. Қўчқоров.

Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ахборот хизматининг хабарига кўра, шунингдек, “Telegram” каналида “Эзгулик элчилари” номли кўнгил-лилардан иборат гуруҳ ташкил этилди. Улар орасида каттакўрғон-лик тадбиркорлар, шижоатли ёшлар сони ошиб бораётир. Ҳоким волонтер ёшларга миннатдорлик билдирди.

“Эзгулик элчилари” гуруҳи етакчи-лари маҳаллама-маҳалла юриб, эҳтиёжманд оиаларга озиқ-овқат маҳсулотлари — гўшт, ёғ, ун, гуруч, шакар ҳамда тиббий ниқоблар тарқатмоқда. Савоб ишлар ҳафта мобайнида давом этади.

«Халқ сўзи».

«БУТУН ДУНЁ БУГУН УЙИДА!»

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари ушбу шиор остида мамлакатимиз ёшларига ибрат бўлишга ҳаракат қилмоқда.



Коронавирусга қарши Ўзбекис-тонда олиб борилаётган ишлардан ўз вақтида хабар топаётган стипен-диатларимиз мазкур тадбирларни дунёнинг ривожланган давлатлари-га нисбатан ўз вақтида ва самарали қабул қилинган чоралар, дея баҳоламоқдалар.

Бундан ташқари, коронавирс сабабли ҳозирги кунда 11 нафар докторантура ҳамда 1 нафар магис-тратура дастури стипендиати таълим олаётган хорижий муассаса ва ташкилотларда таълим олиш жараёнлари вақтинча online шаклга ўтказилган.

Ўзбекистонга қайтган ёшларимиз худудий тиббиёт муассасалари томо-нидан ташкил этилган карантинда сақ-ланмоқда. Шу билан бирга, яна жами 13 нафар малака ошириш ва стажир-ровка ўташ дастури стипендиатлари жорий йилнинг август ойига қадар юр-тимизга қайтиши кутилмоқда. Қайд этиш лозимки, “Эл-юрт умиди” жам-ғармаси стипендиатларини юртимиз-га қайтариш ишлари Ўзбекистон Рес-публикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги диплома-тик ваколатхоналари томонидан назоратга олинган.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг барча стипендиатлари давлатимиз томонидан уларга хорижда таълим олиш учун яратилган шароитлар ва кўрсатилаётган эътибордан миннат-дор. Буни уларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам англаш мумкин.

**Адҳам ХУДАЙҚУЛОВ, Буюк Британиянинг Кембриж университети PhD докторанти:** — Университетда таълим жараё-ни масофавий шаклга ўтказилди. Барчамиз ўз уйимизда, санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, аммо таълим ва тад-қиқотни изчил давом эттиряпмиз. Хозирги кунда тадқиқотимнинг бирин-чи қоралама варианты устида ишла-япман. Бугун бутун дунё ўз уйида, Ўзбекистондаги ёшлардан ҳам илти-мосим — ўз уйингизда қолинг, аммо ўз устингизда ишлаши давом этти-ринг. Ўзингиз, яқинларингиз ва бар-чанинг соғлигини уйланг. Саломат-

лик — энг катта бойлик. Уни асра-шимиз учун ҳам биз бугун уйдамыз. Дунёнинг эртанги тақдири ҳар би-римизга боғлиқ. Ҳамжиҳатликда бу офатни, албатта, енгамиз!

**Бахтиёр ЁҚУБОВ, Лондондаги Брунел университети докторанти:** — Бизнинг университетда таълим ва тадқиқот ишлари масофавий форматга ўтказилди. Илмий ишни Ўзбекистондан туриб олиб бормоқ-дамиз. Белгиланган санитария-гиги-ена қоидаларига риоя қиляпмиз. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бизга яратилган шарт-шароитлардан мамнунмиз. Соғлиги-мизни асрашимиз учун барча қулай-лик яратилди. Бугун уйда қолсақ-кина, бу хавфли инфекция кенг тарқалишининг олдини оламиз. Буюк Британияда коронавирсунчи бартараф этишга катта эътибор берилаяпти. Ўзбекистонга келиб кўрдикки, бу касалликка қарши амалга оширилаётган чора-тадбир-лар ривожланган давлатлардагидан асло қолишмайди. Шу боис кўнгил-миз тўқ, ишончимиз мустаҳкам. Тез орада бу вируснинг юртимиздан даф бўлиши, шубҳасиз.

**Бобиржон ЭРҒАШЕВ, Германиянинг Кёльн университети тиббиёт клиникаси докторанти:** — Ўқиш ва илмий ишларимиз масофадан туриб ташкил этилмоқ-да. “Эл-юрт умиди” жамғармаси му-тасаддилари мунтазам ҳол-аҳвол сўраб туришибди. Бундай пайтлар-да зиммамиздаги масъулиятни яна-да чуқур ҳис қиламиз. Бугун дунёда авж олган коронавирс пандемияси ҳар биримизнинг сабр ва матона-тимизни, имон-этиқодимизни, маъ-навий даражамизни, ватанпарварли-гимизни синовдан ўтказмоқда, деб ўйлайман. Бу ерда, Германияда ка-саллик кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида қаттиқ тартиб-қоидалар ўрнатилди, аммо мақсад инсонлар ҳаётини сақлаб қолишдан иборатлиги сабабли бутун жамяят бирлашди. Ўзбекистон халқи ҳам бирлашиб, бу муаммони, албатта, енгишига ишонаман.

**Камолитдин РАФИҚОВ, Жанубий Кореянинг Ёнсе университети тиббиёт факультети магистранти:** — Вирус билан боғлиқ вазият Жанубий Кореяда ҳозир анча барқарор, шу боис ўқишимизда муаммолар йўқ. Саломатлигим ҳам жойида. Айниқса, юртимиздан бў-лаётган эътибордан ниҳоятда мам-нунман. Коронавирс инфекцияси билан боғлиқ мураккаб ҳолат тиб-биёт соҳасида ҳали қилиниши ло-зим бўлган ишлар жуда кўп эканли-гини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам со-ҳанинг етук кадрларига талаб юқори. Бу зиммамиздаги масъулиятни бир неча қарра оширади. Мен замона-вий билимларни эгаллаб, илгор амалий тажриба билан юртимизга қайтиб, яратилган шароитларга му-носиб меҳнат қилиш орсусидаман. Ёшларга гигиена қоидаларига риоя этишни қатъий тавсия қилиб қола-ман. Албатта, уйда бўлинг, китоб ўқинг, ўз устингизда ишланг ва ка-рантин талабларига риоя қилинг.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бутунги кунда “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташаббуси билан #БутунДунёБугунУйида ҳештеги бил-лан махсус лойиҳа амалга ошири-либ, хорижда таълим олаётган ва стажировка ўтаётган стипендиатлар-нинг коронавирс пандемияси дав-рида ўз уйларида ўқиш ва маиший ҳаётлари тўғрисида видеороликлар тайёрланмоқда. Улар жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий ка-налларига жойлаштириб бориляпти. Ёшларимиз яқин келажақда юртимизга қайтиб, таълим ва илмий тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда иқтисодиётнинг истикболли тармоқ-ларида самарали меҳнат фаолияти олиб борадилар. Уларнинг илгор ҳаётлари тўғрисида видеороликлар тайёрланмоқда. Уларнинг илмор ҳаёти ва тиббиёт клиникаларида олган билим ва тўплаган амалий тажриба-лари жонажон Ўзбекистонимизнинг бугуни ҳамда порлоқ эртаси учун асқатишига ишончимиз комил.

**Мирзёё СОДИҚОВ, «Эл-юрт умиди» жамғармаси Халқро алоқалар бўлими бошлиғи.**

Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

Халқимизда “Ер — халқ бойлиги”, “Ер — элли боқадир”, “Ерга хиёнат — элга хиёнат” деган пурмаёно ҳикматлар бор. Кейинги пайтларда ана шу нақллар тез-тез тилга олинмоқда. Бунга арзирли сабаблар йўқ эмас, албатта. Негаки, **халқни боқадиган, едириб-ичирадиган, кийинтирадиган ер майдонларини ўзбошимчалик билан талон-торож қилиш, сотиш, сугориладиган ерлардан самарали фойдаланмай, аксинча, уни пуллаш ҳолатлари кўпаймоқда.**

Авваллари бундай жиноятларни яшириш, “ёпди-ёпди” қилиш устунлик қилган бўлса, бугун уларни аниқлаш ва ҳуқуқбузарларга чора қўришга қатъийлик билан ёндашиляпти. Ўз навбатида, бу кенг жамоатчиликка очиқ-ойдин айтиляпти.

Ерни сотган халқнинг қарғишига уч-раши, бундай жиноят ҳеч қачон кечи-рилмаслиги ҳақидаги фикр-мулоҳаза-лар ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида бонг урилаёт-гани ҳам аслида шундан.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жамия-тда адолатли таъминлаш ва бу йўлда тўсиқ бўлаётган — коррупция иллатини йўқотиш йўлларини кўрса-тиб, ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга, яъни қонун устуворлиги, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институцио-нал салоҳиятни юксалтириш, кучли демократик институтларни шакл-лантириш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Жамиятнинг қайсидир бўғинида ана шу мезонлар бузилса, фуқаронинг ҳуқуқлари топталди, порахўрлик авж олади, давлат манфаатларига путур етади. Халқнинг ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган ишон-чи сўнади. Бундай иллат йўқотилмас экан, ҳеч бир соҳада юксалиш бўлмайди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан корруп-циядек “нафс саратони”га қарши аёв-сиз кураш бошланди, десак, тўғри бўлади. Бу йўналишда кўплаб қонун ҳужжатлари, янги ва самарали лойи-

ҳалар амалиётга татбиқ этилди. Бу-ларнинг ҳеч бири самарасиз қолаёт-гани ҳам йўқ.

**Афсуски, орамизда ўз манфа-атларини ўйлаб, халқ бойлиги бўлган — ерни талон-торож қилиш-га уринаётган, халқ ва давлат мул-кига хиёнат қилаётганлар ҳамон учраб турибди.** Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам.

Тошкент вилояти прокуратураси то-монидан ўтказилган тезкор текширув-лар натижасида давлатнинг ер ва сув ресурсларини ноқонуний ўзлаштириш, мансабдор шахсларнинг пора эвазига қонунга зид қарорлар чиқариши ҳолат-лари аниқланди. Яқинда Бўка, Бек-обод, Янгийўл, Тошкент туманлари ҳокимлари ўз лавозимидан озод этил-гани ҳам худди шу масала билан бе-восита боғлиқ. Фаолиятида йўл қўйган хатолари, билдирилган ишончини

оқлагани учун мана шундай қарор-га келинди ва бу адолатдан бўлди. Зеро, **халқ мулкига кўз олайтирган раҳбар кимга керак?! Ҳеч кимга.**

“Қинғир ишнинг қийғи қирқ йил-да ҳам чиқади” деган нақл бор. Бу-гун қилинган ҳар қандай жиноят қирқ йил эмас, балки қирқ соатга ҳам чўзилмайди. Жиноятларни аниқлаш учун барча имконият сафарбар этил-гани, соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳуқуқбузарликлари те-зда фош этишда муҳим ўрин тутаяпти.

Очиги, эл дастурхонини турли хил ноз-неъматлар билан тўлдирадиган ҳосилдор ерларни сотиш, ҳисобдан яшириш, ноқонуний ҳужжатлар асо-сида расмийлаштириш каби “халис хизматлар” вилоятда тез тарқалди.

**Мўмай даромад топиш манбаи-га айланган бу жараёнда ҳоким-**



**лар ва уларнинг ўринбосарлари, масъул раҳбарлар, маҳалла раис-лари, хаттоки тадбиркорлар ҳам “фаол” иштирок этган. Натижада вилоятдаги 360 гектар экинзорда 8544 та ноқонуний қурилиш иш-лари бажарилган.**

Ерлар амалдаги қонунчилик талаб-ларига мутлақо зид равишда 410 на-фар шахсга фойдаланиш учун бериб юборилган. Аниқроғи, шунчаки инъом этилган. Бу ҳам етмаганидек, маълу-мотларга кўра, жами 26201 гектар ер майдони учун ижара шартномалари умуман тузилмаган. Аҳвол шу дара-жада аянчилики, ҳокимлар ўз хатола-рини яшириш ёки хаспўшлашнинг иложини топишолмади. Чунки ой юзи-дадог ҳаммага қўриниб туради.

Аниқланган жиддий қонун бузили-ши ҳолатлари юзасидан 42 та жино-ят иши кўзгатилади. Жумладан, Зан-



Тошкент вилояти прокуратураси томонидан аниқланган жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан **42 та** жиноят иши кўзгатилади.

Ўзбошимчалик билан эгалланган **1083 гектар** ер майдони давлат ҳисобига қайтарилди.

**267 гектар** майдонда қурилган **6729 та** ноқонуний қурилма бузилди ва яна **3581 та** ана шундай иншоот бўйича судларга даъво аризалари киритилди.

туман ҳокимларининг **528 та** ноқонуний қарори прокурорларнинг протестига асосан бекор қилиниб, **629 гектар** ер майдони захирга қайтарилди.

ғиота тумани ҳокимининг собиқ ўрин-босарлари ўзбошимчалик билан уй қурган 23 нафар фуқарони тўғри йўлга солиш ўрнига, уларга сохта ҳужжатлар тайёрлашда кўмаклашган. Туман ҳокимлиги масъул ходими А. Тўраев эса “Мис голд стар” МЧЖ раҳбари М. Саипназаров билан жамиятга ижарага берилган 2,7 гек-тар ер майдонининг 30 сотихини 120 000 АҚШ долларига сотиб, ҳақа-лак отган нафсини қондирмоқчи бўлади. Бироқ бу найранглар иш бер-мади. Вақт ўтиб, яширинган ҳақиқат-лар ошкор бўлиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Афсуски, порахўрлик ва сохта ҳуж-жатбозлик каби жиноятлар вилоятнинг бошқа туман ҳамда шаҳарларида ҳам аниқланди. Мисол учун, Қўйраб ту-манандаги “Тошкент овози” фермер ҳўжалиги раҳбари О. Ишназаров “Чи-нор” МФЙ раиси Н. Юлдашева билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўз фойдаланувида бўлган ер майдони-нинг 20 сотихини икки нафар фуқарога сохта ҳужжатлар асосида 160 000 долларга сотишгани маълум бўлди. Ҳуқуқбузарлар эса қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Шу билан бирга, тезкор ҳаракат-лар натижасида ўзбошимчалик билан эгалланган 1083 гектар ер майдони давлат ҳисобига қайтарилди. 267 гек-тар ер майдонида қурилган 6729 та ноқонуний объект бузиб ташланди ва 283 гектар ерни эгаллаган 3581 та ноқонуний қурилишни буздирш ҳақида судларга даъво аризалари киритилди.

Туман ҳокимларининг 528 та ноқо-

нуний қарори туман прокурорлари-нинг протестига асосан бекор қили-ниб, 629 гектар ер майдони захирага қайтарилди. Шунингдек, 464 та қишлоқ ҳўжалиги корхонаси билан ер-ижара шартномалари тузилиб, за-хирада турган 10945 гектар майдон қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига бе-рилди, 385 гектар ер эса (43 та субъектдан) мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилгани сабабли захирага қайтариб олинди.

Шу ўринда ушбу соҳада назорат фаолиятини сусайтирган, юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларига ўз вақтида муносабат билдирмаган прокурорларнинг ҳаракатларига ҳам тегишли тартибда баҳо берилаяпти.

Хусусан, Тошкент вилоятида ерлар ноқонуний эгаллаб олинишига қарши курашиш, хатлов ўтказиш, ҳокимлар-нинг ер ажратиш ҳақидаги қарорла-ри қонунийлигини ўрганиш, аниқлан-ган қонунбузилиш ҳолатлари юзаси-дан прокурор назорат ҳўжатларини қўллашда масъулиятсизликка йўл қўйганлиги сабабли Янгийўл ва Қўйраб туманлари, Олмақчи шаҳар прокурорлари лавозимидан озод қилинди.

Шунингдек, Бўка, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Тошкент ва Зангиота туман-лар прокурорлари огоҳлантирилгани, Ангрен шаҳар прокурорининг “Хайфсан” интизомий жазага тортил-ганили ҳам бу борадаги вазифалар нақадар долзарб ҳамда масъулиятли эканини англатади.

Дилни хира қиладиган бундай ра-қамларни яна кўплаб келтириш мум-кин. Аммо гап киминдир бадном қилиш эмас, балки фуқаролар, ман-сабдорлар, раҳбар-ҳодимлар онгда қонунга итоаткорлик муносабатини шакллантиришдан иборат.

Зеро, **ер — халқ мулки, уни ҳар хил йўллар билан талон-торож қилган одам халққа, Ватанга хиёнат қилган билан баробардир. Ернинг уволига қолган одамнинг косаси ҳеч қачон оқармайди.**

Буни ҳаётнинг ўзи ҳам яққол кўрса-тиб турибди.

**Салом САМАДОВ, Тошкент вилояти прокурори.**

ЭЪЛОН

|                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                   |
|----------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>«COSCOM»</b><br>масъулияти<br>чекланган жамияти | (ИФУТ 61200, СТИИР/ДБИТ 201788904/79994, юридик манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, В. Воҳидов кўчаси, 118-уй) шуни маълум қиладики, 2020 йил 25 март куни «COSCOM» МЧЖ ягона иштирокчиси томонидан жамиятнинг устав фондини 1 036 769 116 179.77 сўмгача камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди (2020 йил 25 март кундаги 1-сонли қарор). | Жамият кредиторларининг талаблари қуйидаги манзилда рўйхатга олинади: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, В. Воҳидов кўчаси, 118-уй. |
|----------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|



# Озарбайжон телевидениесида Ўзбекистон маданияти ҳақида кўрсатув намойиш этилди

Озарбайжон миллий “ARB TV” телеканалининг “Faydali Saat” ахборот-кўнгилочар дастури ўзининг Ўзбекистонга бағишланган 40 дақиқалик кўрсатувини эфирга узатди.

## Дунё нигоҳи



Ушбу кўрсатув мамлакатимизнинг Озарбайжондаги элчихонаси кўмагида тайёрланди. Унда ўзбек халқининг миллий либослари, санъати, мусиқа ва рақслари, гастрономик туризм салоҳияти, шунингдек, халқимизнинг миллий урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилинади. “Лазги” анъанавий ўзбек рақсини ихро этган ҳамюртимиз, хореограф Нурида Абдуллаеванинг чиқиши дастурга байрамона нақийят улашди, баҳорий таом — сумалакни тайёрлаш ҳақидаги сюжет эса миллий урф-одатларимизнинг чуқур илдизлари, ўзига хослигини намойиш этиди. “ARB TV” телеканали ижодий гуруҳи кўп сонли томошабинлар илтимосига биноан, машҳур ўзбек миллий таоми — ош ҳақида ҳам маълумот бериб, уни тайёрлаш бўйи-

ча маҳорат дарслари акс этган лавҳаларни тақдим қилди. Томошабинлар, шунингдек, ушбу кўрсатув орқали патир, қовурилган чучвара, сомса ва бўғирсоқ каби бошқа ўзбек миллий таомларини тайёрлаш жараёни билан танишиш имконига эга бўлди. Кўрсатув давомида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти, мамлакатимиз тарихи ва маданияти акс этган видеолавҳалар намойиш қилинди. Ўзбекистон экологик соф кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан дунёга танилган. Серкўёш юртимизда етиштирилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳақида маълумот бериш ҳам дастур ижодкорлари эътиборидан четда қолмади.

«Дунё» АА.  
Боку



1941 йили Тошкентга Зуев ва Крим болалар уйлари тарбияланувчилари кўчириб келтирилди. Поп туманидаги энг яхши мактаб болалар уйига айлантирилди. Болаларнинг яшаши учун зарур кўрпа-тўшак, кийим-кечак каби керакли жиҳоз ва буюмларнинг барчасини маҳаллий аҳоли олиб келиб берган эди. Шунингдек, бу пайтда Тошкентда 1, 2, 3, 15, 18-болалар уйлари, 14 ва 15-мактаб-болалар уйлари, Гўдаклар уйи ҳам фаолият юрита эди.

1942 йил 2 январда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишда қабул қилинган хотин-қизлар фаолларининг Ўзбекистон аёлларига мурожаати архив ҳужжатларида бугунгача сақланиб келмоқда. Унда “Ўзбекистонга келган болаларнинг бирортаси ҳам бошпанасиз ва оналик меҳридан маҳрум қолмаслиги керак”, деган қақирқ баён қилинган.

Мазкур мурожаат қабул қилинганидан сўнг бир неча кун ичида 643 оила, 69 та жамоа томонидан кўчириб келинган юзлаб ўғил-қизлар тарбияга олинди. Ўша йилнинг сентябрь ойигача қарийб 1 минг 500 нафар бола ўзбек оилаларида бошпана топди, уларнинг баъзилари ҳатто фарзандликка қабул қилинди.

Урушнинг дастлабки йилларига оид маълумотларга кўра, республикада 214 та болалар уйи бўлиб, уларда 20 минг бола тарбияланар эди. Ушбу масканлар, асосан, Тошкент, Фарғона, Урганч, Наманган, Андижон, Тўрткўл шаҳарларида жойлашганди. Уруш давом этар экан, Меҳрибонлик уйлари ҳам мунтазам кўпайиб борди. Тошкент вилоятидаги 2-сонли болалар уйи Одесса ва Луганск шаҳарларидаги болалар уйлари тарбияланувчиларини қабул қилди. Москва, Одесса ва Воронеждан кўчириб келтирилган 4 та

ҳарбий-мусиқа мактаби ўқувчилари ҳам болалар уйларида жойлаштирилди. 1942 йилда Янгийўл туманида янги болалар уйи ташкил қилинди. Шунингдек, Риштон, Вобкент, Қарши туманларида ҳам ана шундай масканлар фаолият юрита бошлади.

Сағбон кўчасидаги 22-болалар уйи директори 26 ёшли Антонина Хлебущкина бу ерга келтирилган болалар аянчли ахволда бўлган-

Ўзбек оилалари келтирилган болаларга мурувват кўрсатиш учун имконлари борица ҳаракат қилдилар. Жумладан, 1942 йил январиде Тошкентдаги болалар уйига фарзанд асраб олиш ҳақида 86 та ариза тушади. Ўша пайтлар машҳур ёзувчи Корней Чуковский ўзбек халқининг бағрикенглиги ҳақида шундай ёзган эди: “Ленинградда шунча йил яшаб, унинг Ўзбекистондек ишончли ва содиқ дўсти бўла-

Архив ҳужжатлари маълумотларига кўра, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондаги Марказий болалар кўчириш марказида 50 мингга яқин болалар рўйхатдан ўтган. Бундан ташқари, Польшадан 14 та болалар уйи, Москвадаги испан болалар уйи тарбияланувчиларининг 170 нафари уруш йилларида шу ердан бошпана топган.

лиги ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Улар болалар эмас, балки тушқун кайфиятдаги, озғин, кир-чир соялар эди... Кечқурун уйга кетмоқчи бўлиб турсам, этакимга бир жажежи қизалоқ ёпишди, у аянчли овозда “Ойи, кетманг. Мен қўрқаман. Кетманг”, деб ёлворди. Ўша кечаси қизча билан полда ачомлашиб ётдик... Уруш кўрган болалар уйқу ара-лаш бақирарди, алаҳсирарди...”

1941 йилда Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва болалар уйларида бирига мудир бўлган ши-фокор Нина Уфлянд келтирилган ўғил-қизлар ўта нимжон эканлигини ва уларга жудаям кам маб-лағ ажратилганини қайд этади.

ди деб ўйламагандим. Мен Фонтанкада яшаган вақтимда бошқа петербургликлар син-гари Ўзбекистон мен учун ҳам бошқа сайёра каби туюлар эди. Мен Ленинграддан денгиз ва чўллар орқали минг версталик масофа ажратиб турадиган ерда бунчалик биродарлик яқинлигини ҳис қилишини тасаввуримга ҳам сиғдира олмасдим. Шу пайтгача бошқа миллат, бошқа турмуш тарзи, бошқа тил, бошқа иқлимда яшаган, дунёнинг бошқа томонида бўлган кишилар Ленинградга бунчалик қизгин муҳаббат билдирмаган эди”.

Ленинград давлат консервато-

риясида таълим олаётган, аммо уруш туфайли Тошкентга кўчири-либ, интернатга жойлаштирилган Добросельскаянинг фикрлари ҳам ниҳоятда таъсирли.

“Ўзбекистон ҳукумати ва халқидан ғоятда миннатдор-ман. Улар энг оғир шароитда ҳайтага умид ва ишончимни қайтариб берди... Келажакми ҳақида ўйлаганимда кўз олдим-ни туман қоплаб оларди. Тўғриси айтганда, бу ҳақда ўйлашга ҳам кўрқардим. Бироқ серкўёш юрт одамларининг илиқ меҳр-муҳаббати ҳаёти-мизни ўзгартириб юборди. Энг муҳими, Ўзбекистонда бизнинг нафақат яшаб, таълим оли-шимизга шарт-шароитлар яратилди, балки фарзандлари-мизга ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилди”.

Ўзбекистонга Европадан ҳам болалар уйлари кўчириб келти-рилган. Масалан, уруш йиллари-да Польша инқилобий қўмитаси совет ҳукуматига мурожаат қилиб, болалар уйлари ва боғчаларини кўчиришни сўраган. Шу асосда 1943 йилда Ўзбекистонга Польшадан 940 нафар бола ва уларга қаровчи 431 шахс келти-рилган. Ўзбекистон раҳбарияти поляк болаларининг ўқиши учун ғамхўрлик кўрсатиши натижаси-да 1943 йил 28 июнда поляк ўқитувчилари ва тарбиячи-ларининг таълим олиши ҳақида-ги қарор қабул қилинган. Булар-нинг ҳаммаси болалар ўзларининг она тилидан ўзилиб қолмаслик-лари, ўзларини уйларидагидек ҳис қилишлари учун амалга оширилган.

Архив ҳужжатлари маълумот-ларига кўра, Иккинчи жаҳон уру-ши йилларида Ўзбекистондаги Марказий болалар кўчириш мар-казида 50 мингга яқин болалар рўйхатдан ўтган. Бундан ташқа-ри, Польшадан 14 та болалар уйи, Москвадаги испан болалар уйи

тарбияланувчиларининг 170 на-фари уруш йилларида шу ердан бошпана топган.

1943 йил 5 январга келиб Ўзбекистонда болалар уйлари-нинг сони 153 тага етган. Бу пайтгача юртимизга турли мил-латга мансуб жами 200 минг бола олиб келинган эди. Респу-блика кўчириб келинган болалар-га ёрдам бериш комиссияси томонидан барча ўғил-қиз рўйха-ти қаттиқ назорат остига олин-ган ва кейинчалик ота-оналар уруш йилларида йўқотиб қўйган дилбандларини шу комиссия ёрдамида топишган.

Умуман, уруш йилларида бо-лалар уйлари тармоғи ва улар-даги тарбияланувчилар сони мут-тасил ошиб бориши натижасида 1945 йил охирига келиб, респу-бликада 267 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 30 минг 792 бола тарбияланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ке-ракки, уруш йилларида ўзбекис-тонликлар нафақат кўчириб келтирилган турли миллат бола-ларини ўз фарзандларидек оила-ларига қабул қилганлар, балки уруш тугагач, уларнинг аксария-тини ўз ота-оналарига соғ-омон топширганлар. Ўзбекистонга олиб келинган кишилар ўз ватанларига қайтганларидан сўнг халқимизнинг мураккаб даврда-ги бағрикенглиги, меҳр-оқибати, инсонпарварлиги, жасорат ва матонатига таҳсин айтади. Жум-ладан, 1945 йил ёзида Эстония радиосида “Ўзбеклар ниҳоятда мардонавор иш қилди, бу эзгу-лик абадий қолади”, деган сўзлар янгради.

Хулоса ўрнида айтганда, халқимиз нафақат ўз фарзанд-ларининг оловли жангоҳларда-ги мардлиги ва жасорати билан, балки фронт ортидаги қаҳра-монлиги билан ҳам тарихдан муносиб жой олди.

Санобар ШОДМОНОВА,  
ЎЗР ФА Тарих институти етакчи  
илмий ходими,  
тарих фанлари доктори,  
профессор.

Хайринисо хола безовта эди.

Ховли ўртасидаги гулзорда қўлида тешача билан қўймала-ниб юраркан, “Қандай бало бўлди бу вирус дегани? — дея пичирлайди тинмай. — Қаердан ёпиша қолди? Ишқилиб... тезроқ ўтиб кетсин-да...” У шу тобда Тошкентда ўқийтган тўнғичининг қизи Шоирани эслади. Қаддини ростлаб, тандирхона томонга юзланди:

— Малоҳатхон, Малоҳатхон дейман!

— Ҳа, ойижон! — қўлида енгича мўралади келин.

— Шоира билан гаплашдила-рингми? Йўлга чиқибдими?

— Вокзалга борса, билет йўқ экан, таксилар нархи ошиб кетибди. Юз эллик минг сўм дейишаётганмиш...

— Вой, ўлмасам, — лабини тишлаб бошини қаҳқайи хола. — Намунча?! Инсоф деганига ҳам ўт тушибди-да!

— Нимасини айтасиз, ойи... — деди Малоҳат. — Ҳозир, номиним ёпиштирволай...

Келин шундай деб изига қай-рилди. Хола жойида туриб қолди. Кўз олдида шаҳар кўча-ларида уйига қайтиш учун сар-гайиб, сарсон юрган невараси келди. Юраги туздек ачшиди. “Узинг кушойиш бер, Яратган эгам”, деган илтижо дилидан ти-лага кўчди... Кейин иссиқхона-да ишлаётган невараларидан ха-бар олиш учун бог томонга юрди. Ўтган йили чоли молини сотиб, ана шу иссиқхонани қур-ганди. Кони барака экан бу ис-сиқхона дегани. Биринчи йиллик помидор билан бодрингдан ях-шигина даромад қилишди. Бу

йил помидор билан кўкат ечиш-ди. “Қишлоқда кўкатни ким ола-ди?” деб ўйлаганди у. Феврал-дан бери остоналаридан одам узилмайди. Айниқса, исмалоқ билан жағ-жағнинг харидори кўп... Сомса деганининг жони-да ўзим ҳам! Ҳозирги илгузил-дида тайёр дармондори...”

Хола иссиқхонага кираркан, юзига қайноқ ховур урилди. Не-варалари Шаҳбоз билан Афзал ғўра бўлиб қолган помидорнинг бачки шохларини олиб,

# Меҳр занжири

баъзи осилиб қолган таналари-ни симбағизга боғлашаётганди. Бир томонга экилган исмалоқ, укроп, кашнич барра бўлиб, яш-наб ётибди. “Вой, бунинг бўйи-ни... ашноқ-яшиллигини... — деб ўйлади хола. — Ҳадемай, поми-дорга ҳам ранг кириб қолади...” — Эна, дамингизни олаве-ринг, — деди бувиси томон юзланиб Шаҳбоз. — Бўлай деб қолдик, — деди Афзал. — Умриларибдан барака то-пинглар, болаларим! — деди хурсанд бўлиб Хайринисо хола. — Ойиларинг нон ёпяпти. Овқат

ҳам тайёр. Қўлларингни совунлаб ювиб, тушлик қилволинглар. Кейин китоб ўқинглар... Дам ол-гач, боққа чиқиб, опоқиларинг-га ёрдам беринглар, хўпми?



— Хўп, эна! — дейишди бара-варига болалар.

— Айланай сизлардан... Ўзим-нинг пахлавонларим!

Шу пайт йўлакда Малоҳат кўринди. Қўлида телефон. Қай-нонаси томон шошиб келарди.

— Ким, Шоирами? — дея сўради хола.

— Йўқ, олам, — деди Малоҳат.

— Сизни сўраяптилар...

Хола телефони тезда олиб, қулоғига тутди:

— Алло!

— Ая! — Нозиманинг овози хурсанд бўлиб Хайринисо хола.

— Ойиларинг нон ёпяпти. Овқат

— Келаётган экан. — Пули етибдими, ишқилиб? — Намангандан бир талай ма-шина борибди. Талабаларнинг ҳаммасини беғул олиб келишяп-ти экан. — Вой! Мунча яхши! — сую-ниб кетди хола. — Вой, умринг узоқ бўлгурлар-е, вой, омон бўлгурлар-ей! Барака топишсин! “Қандай яхши одамлар бор-а!” — деди юз-кўзи қулиб телефон-

Сизга айтиб қўяй деб телефон қилаётганим...

— Вой, шуни ўйлаб турган-дим, — деди Хайринисо хола. — Йўлга чиқиптими, келяптимикан?

ни келинига тутқазар экан хола. Кейин бурилиб кетаётган Малоҳатни қақирди.

— Хой, жоним қизим!

— Ҳа, ойижон? — тўхтаб ортига қаради келин.

— Ўзим хаамирга ёрдам бераман, айланай сиздан, тандирга қайтадан ўт ёқинг. Болалар кўкатдан узиб чиқиш-син. Бир эмас, икки тандир кўксомса ёпайлик. Ҳали-замон Шоира келиб қолади. Кўксом-сани соғингандир болагинам!

— Вой, бир тандири ҳам етар ойи, — қулди Малоҳат.

— Етишга етади, — сирли жилмайди хола. — Сиз тандир-ни қиздираверинг...

...Оқшом сари Нозима билан Шоира ҳам келиб қолди. Қудратилла ота ҳам ишини тугатиб, богдан чиқиб келди. Оила ҳам бўлиб дастурхон ат-рофидан жой олишди. Ҳамма-лари кўксомсани мактаб-мактаб ейишди.

— Энди анави ўраб қўйган то-горангизни кўтаринг, келин, — деди Хайринисо хола. — Ниқоб-ни тақиб олинг! Шаҳбоз сизга ёрдам беради. Сен ҳам ниқо-бингни тақиб ол, болам. Қўни-қўшниларга тўртта-тўрттадан тарқатиб чиқинглар. Меҳр занжири узилмаслиги керак.

— Вой, ўзимнинг ойижоним-дан, ҳали шунақа режам бор эди денг, — деди шодон қулиб Малоҳатхон. — Қани, Шаҳбоз ўғлим, кетдик.

...Шу кунни қайнона-келин ёлган кўксомса қўни-қўшнилари тугул, бутун маҳаллага етди...

Ортиқали НОМОЗОВ.

ЭЪЛОН

**Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига тиббий асбоб-ускуна сотиб олиш учун тендер эълон қилинади.**

«PHILIPS AZURION 3M15» русумидаги универсал ангиография ускунаси.

Тиббий асбоб-ускуна баҳоси — **5 300 000 000 сўм.**

Тендер 2020 йил 10 апрель кунини бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: **Самарқанд шаҳри, Фиёсиддин Жамшид кўчаси, 21-«А» уй. Телефонлар: 66-232 02 40, 66-232-22-59.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси жамоаси инспекциянинг Таълим сифатини назорат қилиш бўйича Навоий вилояти бўлими бошлиғи **Шухрат Ғайбуллаевич НОРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Гулистон давлат университети жамоаси Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори Ермат Тожиёва турмуш ўртоғи **Дилбархон ТОЖИБЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 456. 46 680 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлаб-кўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

**100000,**

**Тошкент шаҳри,**

**Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**

**Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топпирилди — 02.20**

1 2 3 4 5 6